

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА  
ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРИСТЕТИ

**“СТАТИСТИКА” КАФЕДРАСИ**

Қўлёзма ҳукукида  
УДК: 31:63(575.1)

**МАҲКАМОВ ЗУХУР БАҲОДИР ЎҒЛИ**

**СИРДАРЁ ВИЛОЯТИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ  
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ СТРУКТУРАСИНИ СТАТИСТИК ЎРГАНИШ**

70410801 – Статистика (тармоқлар ва соҳалар бўйича)  
мутахассислиги бўйича

магистр академик даражасини олиш учун ёзилган




**ДИ С С Е Р Т А Ц И Я**

Илмий раҳбар:  
И.ф.н., доц. А.Ҳ. Аюбжонов

ТОШКЕНТ – 2023

Магистрлик диссертация иши “Статистика” кафедрасида дастлабки  
химоядан ўтган.

1 -сонли баённома “27” апрель 2023 й.


Кафедра мудири: доц. <u>Аюбжонов А.Х.</u>	 ИМЗО	<u>29.05.23</u> сана
Илмий раҳбар: доц. <u>Аюбжонов А.Х.</u>	 ИМЗО	<u>29.05.23</u> сана
Магистр: Маҳкамов З.Б.	 ИМЗО	<u>27.05.2023</u> сана

Диссертация “Молия ва бухгалтерия ҳисоби” факультети 2023 йил

“26” 05

№ MAST-01/8 рақами билан рўйхатга олинган.

Факультет декани \_\_\_\_\_ проф., и.ф.д. А.У. Бурханов



## АННОТАЦИЯ

Диссертация ишида Сирдарё вилоятида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш структурасини статистик ўрганиш масалалари тадқиқ қилинган. Ишда иқтисодиётни глобаллашув шароитида Ўзбекистон Республикаси ва Сирдарё вилояти қишлоқ хўжалиги структурасининг мазмуни ва ўзига хос хусусиятлари ўрганилган. Қишлоқ хўжалигида тузилмавий силжиишларни статистик баҳолаш ва таҳлил қилиш усуллари кўриб чиқилган. Диссертацияда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги таркибий ўзгаришларни статистик таҳлили, Сирдарё вилоятида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини оширишда таркибий ўзгаришларнинг ахамияти, самарадорлиги ва натижадорлиги статистик тадқиқ қилинган.

## ANNOTATION

*The issues of statistical study of the production structure of agricultural products in Syrdarya region were investigated in the dissertation work. The content and specific features of the agricultural structure of the Republic of Uzbekistan and Syrdarya region in the conditions of economic globalization were studied in the work. Methods of statistical assessment and analysis of structural changes in agriculture are considered. In the dissertation, the statistical analysis of structural changes in the field of agriculture, the importance, effectiveness and efficiency of structural changes in increasing the volume of production of agricultural products in the Syrdarya region were statistically studied.*

**Калит сўзлар:** Қишлоқ хўжалиги, статистик баҳолаш, таркибий ўзгаришлар, тендециялар, деҳқончилик маҳсулотлари, корреляция коэффиценти, статистик гуруҳлаш, ишлаб чиқариш ҳажми, тузилма ўзгаришлар, барқарор ривожланиш, статистик тадқиқ, мутлоқ ва нисбий миқдорлар, иқтисодий индекслар, тўпلام ўртача даражаси.

**Key words:** Agriculture, statistical assessment, structural changes, trends, agricultural products, correlation coefficient, statistical grouping, volume of production, structural changes, sustainable development, statistical research, absolute and relative quantities, economic indices, set average.



<b>МУНДАРИЖА</b>	
Аннотация.....	3
Мундарижа.....	4
Келтирилган жадваллар рўйхати.....	5
Келтирилган расмлар рўйхати.....	5
Келтирилган қисқартмалар.....	6
<b>КИРИШ.....</b>	<b>7</b>
Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.....	7
Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари.....	9
Тадқиқотнинг асосий муаммолари ва саволлари.....	10
Тадқиқотнинг объекти ва предмети.....	11
Тадқиқотнинг илмий янгилиги.....	11
Диссертация таркибининг қисқача тавсифи.....	11
<b>I БОБ. АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ.....</b>	<b>14</b>
1.1. Кириш	14
1.2. Мавзуга оид илмий-назарий қарашлар шарҳи	14
1.3. Мавзуга оид маҳаллий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар шарҳи	20
<b>II БОБ. МЕТОДОЛОГИЯ.....</b>	<b>32</b>
2.1. Қишлоқ хўжалиги фаолиятини ўрганишнинг статистик усуллари	32
2.2. Дехқончилик маҳсулотлари етиштиришда тузилмавий силжишларнинг статистик таҳлили	42
2.3. Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш динамикасини ва тузилмавий силжишларнинг статистик таҳлили.	51
<b>III БОБ. ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР.....</b>	<b>59</b>
3.1. Сирдарё вилояти қишлоқ хўжалигини статистик таҳлил қилишнинг айрим жиҳатлари	59
3.2. Вилоятда тузилмавий силжишларни амалга ошириш натижаларининг статистик таҳлили.	62
3.3. Таҳлиллардан олинган натижалар шарҳи	63
<b>ХУЛОСА.....</b>	<b>67</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар.....</b>	<b>72</b>
<b>Иловалар.....</b>	<b>77</b>

## К И Р И Ш

### **Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.**

Маълумки қишлоқ хўжалиги тармоғи аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда саноатни хом ашё билан таъминлашда муҳим ўрин эгаллаб, бу соҳада охириги йилларда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг самараси ҳамда белгиланган чора -тадбирларнинг оғишмай амалга оширилиши натижасида барқарор иқтисодий ўсиш таъминланиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида таъкидлаганидек: “Биз қишлоқ хўжалигида ислохотларни қатъий давом эттираемиз. Ер муносабатлари бўйича катта ишларни бошлаб, шу йилнинг ўзида 100 минг гектар экин ерини аҳолига деҳқончилик қилиш учун бўлиб бердик. Бунинг ҳисобидан 1,5 миллион тонна қўшимча озиқ-овқат етиштирилди. Энг асосийси, қишлоқларда 400 мингта янги деҳқон хўжалиги ташкил қилинди, 1 миллион 200 мингдан зиёд одамларимиз банд бўлиб, даромад оляпти. Агар шу ислохотни қилмаганимизда, бозор ва дўконларимиз ҳозиргидек тўкин бўлармиди, экспорт шу даражага етармиди, жон бошига даромад ўсармиди? Шу боис, 2023 йилда ҳам сув таъминоти яхши бўлган 100 минг гектар қўшимча экин майдонларини аҳолига ажратамиз. Бунинг ҳисобидан қарийб 350 мингта янги деҳқон хўжалиги ташкил этилади. Агар жами 750 мингта янги деҳқон хўжалигини тадбиркорга, ер эгасига айлантира олсак, қишлоқда жуда кўп ижтимоий муаммолар, аввало, ишсизлик ва камбағаллик масаласи ечилади. Мен бунга ишонаман. Вилоят ва туман ҳокимлари бу ишни самарали ташкил этишга масъул ва жавобгар бўлиб, халқ олдида доимий ҳисобот бериб боришлари керак. Бунинг учун кооперацияни фаол қўллаб-қувватлаймиз, кичик ва ўрта қувватли сақлаш корхоналари, саралаш ва қайта ишлаш инфратузилмасини